



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil «27» июль

№ПК-4790

### **Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил “25” июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сон Фармонига мувофиқ:

**1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:**

санитария-эпидемиология соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, республика ҳудудидаги юқумли касалликлар табиий ўчоқлари устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

санитария-гигиена, радиацион гигиена, физик омиллар, бактериология, вирусология, паразитология ва ўта хавфли касалликлар ташхиси бўйича лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни бошқариш, тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳдил қилишнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига доир давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, мазкур йўналишда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига оид фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар амалга ошириш, бу борадаги илмий изланишларни мувофиқлаштириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хомашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти устидан белгиланган тартибда назорат қилиш;

соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича маҳсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва тиббий профилактика бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат ва идоравий тиббиёт статистикасини юритиш, тўплаш, таҳлил қилишига услубий раҳбарлик қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш ва қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда қонунчиликда белгиланган чораларни қўллаш.

**2. Белгилансинки, Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг тизимидағи ташкилотлар ўзига юқлатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида қўйидаги хуқуқларга эга:**

карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши курашиб қоидаларини бузишга оид хуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсингидаги мажбурлов чорасини қўллаш;

юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган **тиббий-санитария чора-тадбирларини амалга ошириш;**

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдирувчи юқумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда **мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда текширишлар ўтказиш;**

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга **тақдимномалар юбориш;**

юридик ва жисмоний шахсларга назорат обьектидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равища, аммо олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши **мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;**

электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини лаборатория-инструментал усулини қўллаган ҳолда **ўн кундан кўп бўлмаган муддатгача текширувдан ўтказиш** ҳамда текширувдан ўтказишга беғараз эксперт ёки мутахассис сифатида лаборатория ходимларини жалб қилиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келганда, оммавий заҳарланиш ва гурӯҳли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида **тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;**

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига шартнома асосида **қўшимча ходимлар** жалб қилиш.

3. Қуидагилар:

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;**

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;**

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

4. Белгилаб қўйилсинки:

Санитария-эпидемиология хизматининг марказий аппарати, худудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг умумий чекланган сони **17 554 нафар** этиб белгиланади;

Санитария-эпидемиология хизмати аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун **жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

Санитария-эпидемиология хизмати Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **таркибиға киради**, Санитария-эпидемиология хизматининг бошлиғи бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринbosари ҳамда **Бош давлат санитария врачи** ҳисобланади;

туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари ўз фаолиятида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари эса - Санитария-эпидемиология хизматига бевосита **бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордир**;

Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг худудий бўлинмалари ўз ваколатларини **барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равища** амалга оширадилар;

**Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, унинг ўринбосарлари эса соғлиқни сақлаш вазирининг тақдимномасига кўра **Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;****

**Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Л.М.Исаев номидаги филиали Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти ҳамда Л.М.Исаев номидаги тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти негизида ташкил этилади;**

**Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази барча давлат юқумли касалликлар шифохоналари ва диспансерлари ҳамда давлат тиббиёт ташкилотларининг юқумли касалликлар бўлинмалари фаолиятига **ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади;****

**Вирусология илмий-тадқиқот институти** юридик шахс мақоми сақланган ҳолда – Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг ташкилий тузилмасига киради;

**Вирусология илмий-тадқиқот институти директори **бир вақтнинг ўзида** Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази **директорининг биринчи ўринбосари** ҳисобланади;**

**Л.М.Исаев номидаги тиббий паразитология илмий-тадқиқот институтининг клиникаси** юридик шахс мақоми сақланган ҳолда – Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М.Исаев номидаги филиалининг ташкилий тузилмасига киради;

**Миллий референс лаборатория** Лаборатория комплекси негизида **ташкил қилинади.** Бунда, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади ва у республика ҳудудидаги барча санитария-гигиена, радиология, токсикология, бактериология, паразитология ҳамда вирусология лабораториялари натижаларини мувофиқлаштиради ва уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатади;

## 5. Қуидагилар:

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузурида юридик мақомига эга бўлмаган **Биологик хавфсизлик маркази ҳамда Ген технологиялари маркази;**

Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тегишлича **Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари таҳлили ва истиқболни белгилаш маркази ва унинг бўлинмалари** ташкил қилинсин.

## Белгилансинки:

соғлиқни сақлаш тизими ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг таркибиغا кирувчи тиббиёт ва ёрдамчи ташкилотлардаги тиббий статистика маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, аҳоли соғлиғининг ҳолатига ва касалликлар тарқалишига таъсир қилувчи тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари таҳлили ва истиқболни белгилаш марказининг **асосий вазифалари** ҳисобланади;

идоравий мансублигидан қатъи назар **барча давлат тиббиёт ва ёрдамчи ташкилотлари** Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муддатлар ва шаклларда соғлиқни сақлаш кўрсаткичларига оид маълумотларни Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари таҳлили ва истиқболни белгилаш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

## 6. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига:

зарур ҳолларда Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига бошқарув ходимларининг **чекланган умумий сони доирасида** ўзгартиришлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, унга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий институтлар, компаниялар, мутахассислар ва экспертларни, шу жумладан шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

## 7. Санитария-эпидемиология хизмати:

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ва бўлимларининг намунавий тузилмаларини тасдиқласин;

бир ой муддатда Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ва таркибий тузилмаларни Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга **юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин**;

Миллий референс лаборатория базасида микроорганизмлар банки (биологик ва генетик коллекция) ҳамда маҳсус иммуноглобулин ва зардолар банки, виварий ва генетик лаборатория сингари бўлимлар ташкил этилишини таъминласин.

8. Санитария-эпидемиология хизмати Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **хавфни таҳлил қилиш механизмини жорий қилиш учун назорат остидаги объектларнинг ягона электрон базасини яратсин ва 2021 йил 1 январдан бошлаб, унинг тўлиқ ишга туширилиши ҳамда “Электрон хукумат” тизимига интеграция қилинишини таъминласин.**

Белгилансинки:

ягона электрон базани ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг **захира жамғармаси**, уни кейинчалик техник қўллаб-куватлаш билан боғлиқ харажатлар эса – Санитария-эпидемиология хизматининг **бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади**;

Санитария-эпидемиология хизмати ягона электрон базани шакллантириш, самарали фаолиятини таъминлаш ва кейинчалик ривожлантириш учун **масьул ҳисобланади**.

Санитария-эпидемиология хизмати **назорат остидаги объектларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш натижаларини ўзининг веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда жойлаштириб борсин ҳамда ушбу йўналишда жамоатчилик фикрини тизимли равишда таҳлил қилсин**.

9. Вазирлар Маҳкамаси (Б.А. Мусаев) Санитария-эпидемиология хизмати тузилиши муносабати билан барча зарур ташкилий масалаларни (қайта ташкил этиш, жойлаштириш, таъминот, молий-иқтисодий масалалар ва бошқалар) **тезкорлик билан** хал этилишини таъминласин.

10. Санитария-эпидемиология хизмати Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, **Бунёдкор шоҳ қўчаси, 46-ий манзили** бўйича оператив бошқарув хукуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти




Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг  
ташкилий тузилмаси**



**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг  
тузилмаси**



Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг чекланган сони – **107** нафар.

\* Таъминоти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тўғрисидаги  
низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисбот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Санитария-эпидемиология хизмати аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Санитария-эпидемиология хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомга ва бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари, шунингдек, унинг таркибига кирадиган тегишли идоравий мансуб ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Молия вазирлигига шахсий ғазна ҳисобваракларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан тижорат банкларида очилган хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

5. Санитария-эпидемиология хизматининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Санитария-эпидемиология хизмати ўз фаолиятини давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади, шунингдек, аҳолининг санитария-эпидемиология соҳасидаги халқаро ва хорижий ташкилотларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қиласди.

7. Санитария-эпидемиология хизматининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати;

қисқартирилган номи – Санэпидхизмат;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Служба санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Санэпидслужба;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Sanitary-epidemiological Welfare and Public Health Service of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Sanepidservice;

8. Санитария-эпидемиология хизмати жойлашган манзил (почта манзили): Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 46-уй, 100097.

## **2-боб. Санитария-эпидемиология хизматининг вазифалари ва функциялари**

9. Қўйидагилар Санитария-эпидемиология хизматининг вазифалари ҳисобланади:

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги соҳасида давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидлари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚвАН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хомашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиб, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи обьектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;

соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни қўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича маҳсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш;

юқумли бўлмаган, юқумли, паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

санитария-гигиена, радиацион гигиена, физик омиллар, бактериология, вирусология, паразитология ва ўта хавфли касалликлар ташхиси бўйича лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни бошқариш, тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёsatни амалга оширишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси худудида ўлатнинг табиий ўчоқлари эпизоотологик мониторингини олиб боришни, ўлат ва ўта хавфли инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

ОИВ-инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, ОИВ ва ҳамроҳ касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона тизимнинг амал қилишини таъминлаш, ОИВ юқтирган шахсларга тиббий ёрдам ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилиш;

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси, санитария, гигиена, эпидемиология, паразитология, микробиология, вирусологиянинг долзарб масалалари бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш ҳамда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда фуқароларни санитария-гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

турли соҳа ходимларини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича тўлов-контракт асосида малакасини ошириш;

давлат ва идоравий тиббиёт статистикасини юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш;

тармоқнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш.

10. Санитария-эпидемиология хизмати ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш соҳасида:*

санитария-эпидемиология соҳасида тартибга солишининг ташкилий-хуқуқий механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

санитария-эпидемиология масалалари бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

инсон саломатлиги учун хавф-хатарлар омилларини бошқариш, мониторинг олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш фаолиятини амалга оширади;

Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий ва ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан қабул қилинган қарорларга, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларига (ҳаракатсизликларига) нисбатан шикоятларни кўриб чиқади;

*б) аҳолининг санитария-эпидемиология соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш соҳасида:*

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга республика ҳудудида санитария-эпидемиология осойишталикни таъминлаш, шу жумладан карантин, ўта хавфли ва бошқа инфекцияларни, аҳоли учун ўта хавфли бўлган товар ва юклар Ўзбекистон Республикаси чегарасидаги ўtkазиш пунктларидан олиб кирилиши, олиб ўтилиши ва тарқатилишининг олдини олиш борасидаги комплекс чоратадбирлар амалга оширилишини ташкил этади;

ветеринария хизмати билан бирга касаллик келтириб чиқарувчи манбаларни йўқ қилишга, антропоноз ва зооантропоноз инфекцияли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган фаолиятни амалга оширади;

в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш соҳасида:

белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан, санитария-эпидемиология соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан белгиланган тартибда давлат санитария-эпидемиология назоратини (кейинги ўринларда – назорат) лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларини қўллаган ҳолда амалга оширади;

озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиб, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, шу жумладан умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқова сувларни чиқариб ташлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказади;

қонун ҳужжатларига кўра ходимлари тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, шу жумладан сартарошхона ва косметология хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

аҳолига диагностика, даволаш-профилактика хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

аҳолига тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

назоратдаги объектлар ишчи-ходимларини мажбурий, дастлабки ва даврий тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби ва даврийлигини ҳамда тиббий ташкилотлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилишининг тўлиқлигини назорат қиласди;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан умумий овқатланиш объектларида рационал ва хавфсиз овқатланишини ташкил этилиши устидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларнинг бажарилишини назорат қилади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ионлаштирувчи ва ионлаштирмайдиган нурланиш, шовқин, тебраниш ва инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа физикавий омиллар билан ишлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қилади;

назорат объектларида ўткир ва сурункали касб касалликларини келиб чиқиши ҳолатлари устидан назорат қилади;

юқумли ва паразитар касалликлар манбаи бўлган, шунингдек, тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтмаган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш тўғрисида иш берувчиларга тақдимнома киритади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги маълумотларни Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида ёритади;

санитария-эпидемиология соҳасида халқаро ташкилотлар ва қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни таъминлайди;

халқаро ташкилотларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини такомиллаштиради ва уйғунлаштиради;

г) озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хомашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш соҳасида:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат сиёsatни олиб боради, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштиради ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлайди;

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган талабларни, контаминаларни рухсат этилган максимал миқдорини, жумладан пестицидлар, биологик ва кимёвий омиллар, озуқа қўшимчалари ва ветеринария дори воситаларининг қолдиқ миқдорларини белгилайди;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнида санитария-эпидемиологик ҳолатини ўрганади, озиқ-овқат корхоналарини текшириш ва маҳсулотлар импортини тартибга солиш бўйича хавфларни таснифлаш мезонларини белгилайди ва улар асосида текширади;

озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш тўғрисида хабар бериш тартибини белгилайди ва олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

болаларбоп озиқ-овқат маҳсулотлари, биологик фаол ва озиқ-овқат қўшимчаларни, янги озиқ-овқат маҳсулотлари, функционал ҳамда ихтисослаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказади ва уларнинг давлат реестрини юритади;

озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солиш ва уларни амалга ошириш масалалари бўйича тавсиялар ва илмий асосларни ишлаб чиқарувчи илмий эксперт комитетларни ташкил қиласида ва уларнинг фаолиятини таъминлайди;

Кодекс Алиментариус ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини тартибга солувчи бошқа халқаро ташкилотларда белгиланган тартибда қатнашади;

*д) юқумли бўлмаган, юқумли, паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:*

худудларни карантин ва ўта хавфли, юқумли ва паразитар касалликларнинг олиб кирилиши, олиб ўтилиши ва тарқалишидан санитария жиҳатидан ҳимоя қилиш бўйича санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва назорат қиласи;

аҳолига профилактик эмлашлар ўтказиш сифати ва самарадорлигини, ўз вақтида қамраб олиш жараёнида хавфхатарни таҳлил қиласида ва илмий асосланган ёндашувларни инобатга олган ҳолда юқумли касалликларнинг иммунологик профилактикаси соҳасида чора-тадбирларни амалга оширади;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида суриштирув ишларини ташкил этади, санитария-гигиенага оид ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан назорат қиласи;

санитария-эпидемиологик ҳолатни баҳолаш натижалари бўйича аҳолининг санитария-эпидемиология соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни мунтазам равишда бузатётган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий ҳамда тақдимномалар киритиш бўйича таъсир чораларини қўллади;

аҳоли яшайдиган худудларни ривожлантириш, ер участкалари ажратиш бўйича лойиҳа материалларини, хўжалик ва саноат мақсадидаги объектларни қурилиш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини кўриб чиқишида ва хулоса беришда иштирок этади;

тадқиқотларни апробация қилиш ҳамда дезинфекциялаш ва стерилизациялашнинг янги замонавий усулларини жорий қилиш учун синов базасини ташкил этади, янги технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш ускуналари, асбоблар ва қурилмаларни санитария-гигиена жиҳатидан экспертизадан ўтказади;

инсон саломатлиги ва атмосфера ҳавосига заарли физик омиллар орқали таъсир кўрсатувчи объектларнинг рўйхатини ва ҳисобини олиб боради ва назорат қиласи;

санитария-эпидемиология соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ташкиллаштиради;

хавфли юкларни ташишга бўлган талабларга риоя қилган ҳолда биоматериаллар намуналарини республика ичida ва унинг ташқарисида ташиш чора-тадбирларини ташкил этади;

е) юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш соҳасида:

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларни камайтиришга, улар юқиши йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ бўлган эпидемиологик асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган профилактик ва ўчоқли дезинфекция, дезинсекция, дератизация, эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини ташкил этади;

*ж) санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш соҳасида:*

аҳолининг хавфсиз овқатланиш концепцияси, халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган миллий стандартларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолининг турли гурухлари овқатланиши мақомини баҳолайди, овқатланиш сифати билан боғлиқ бўлган аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини ўрганади;

нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва уларнинг тарқалиши даражасини пасайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади, аҳоли соғлом турмуш тарзининг асослари сифатида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ва тарғиботини, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда ташкил этади;

таълим ва тиббиёт ташкилотларида овқатланиши ташкил этиш тизимларини тартибга солиш, уюшган болалар жамоаларининг овқатланиш рационини яхшилаш механизmlарини такомиллаштиради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва хориждан етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хомашёсининг сифатини назорат қилишнинг таъсирчан механизmlарини жорий этади;

*з) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлатнинг табиий ўчоқлари эпизоотологик мониторингини олиб боришни, ўлат инфекцияси бўйича эпидемиологик назорат ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш соҳасида:*

худуднинг санитария ҳимояси, ўлат инфекцияси бўйича эпидемик вазият оғирлашувига йўл кўймаслик юзасидан санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар комплексини ишлаб чиқади;

Санитария-эпидемиология хизмати органлари ва ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси аҳолисини карантин ва ўта хавфли касалликлар эпидемияларидан муҳофаза қилиш масалаларида иштирок этувчи бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлигининг шакллари ва тартибини белгилайди.

и) ОИВ-инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, ОИВ ва ҳамроҳ касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона тизимнинг амал қилишини таъминлаш, ОИВ юқтирган шахсларга тиббий ёрдам ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилиш соҳасида:

ОИВ инфекцияси профилактикасини амалга ошириш, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва ОИВни юқтириб олганларни маҳсус даволаш, шунингдек, ташхис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган тиббий препаратларнинг, биологик суюқликларнинг хавфсиз бўлиши устидан назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш;

ОИВ мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида аҳолини хавфсиз ва маҳфий тиббий текширувдан ўтказиш учун шароитлар яратиш;

ОИВни юқтириб олганларнинг умрини узайтириш ва турмуши сифатини оширишга, уларнинг ўлимини камайтиришга доир тадбирларни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

к) жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси, санитария, гигиена, эпидемиология, паразитология, микробиология, вирусологиянинг долзарб масалалари бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш ҳамда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш соҳасида:

санитария-эпидемиология соҳасида истиқболли йўналишларни белгилайди ва долзарб масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда иштирок этади;

юқумли, паразитар ва оммавий юқумли бўлмаган, заҳарланиш ва касбий касалликларнинг лаборатория диагностикаси, даволаш ва уларга қарши курашишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий қиласди;

санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлашга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар танловларига тақдим қилинган илмий лойиҳаларни кўриб чиқиша иштирок этади;

гигиена ва эпидемиология масалалари бўйича илмий, ўқув ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамғармалар, шу жумладан хорижий иштирокчилар билан ҳамкорликни амалга оширади, халқаро илмий форумлар ва анжуманларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади;

*л) хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш соҳасида:*

озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва реализациясини ўрнатилган тартибда назорат қиласи;

оммавий овқатдан заҳарланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқадиган юқумли касалликларни рўйхатга олиш электрон маълумотлар базасини яратади ва юритади, уларни эрта аниқлаш ва хавфларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқади;

*м) соғлом турмуш тарзини шакллантириш, барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда фуқароларни санитария-гигиеник ўқитиши ва тарбиялашни ташкил этишига қаратилган амалий чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш соҳасида:*

фуқароларни гигиенага оид ўқитиши ва тарбиялаш борасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини таъминлайди;

фаолияти озиқ-овқат хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик сув ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш, аҳолига майший ва коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ходимларни, шунингдек, тиббиёт, таълим ташкилотлари ходимларини ишга қўйишидан олдин, тайёрлаш ва қайта тайёрлашда гигиена бўйича таълим берилишини тўлов-контракт асосида ташкил этади;

санитария-эпидемиология соҳасида норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқиш, обьектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилишда, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, хавфли кимёвий, радиоактив моддалар, биологик воситалар ва материаллар билан боғлиқ ишларни ташкил этади ва тегишлича гигиеник хулоса беради;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳолининг санитария бўйича саводхонлигини ошириш бўйича оммавий ахборот воситалари учун материаллар ва маҳсус дастурлар ишлаб чиқади;

*н) давлат ва идоравий тиббиёт статистикасини юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш соҳасида:*

соғлиқни сақлаш тизими ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг таркибига кирувчи тиббиёт ва ёрдамчи муассасалардаги тиббий статистика маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

аҳоли соғлиғининг ҳолатига ва касалликлар тарқалишига таъсир қилувчи тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш;

давлат ва идоравий тиббиёт статистикасини юритиш, тўплаш ва таҳлил қилинишида услубий ёрдам кўрсатиш;

*о) тармоқнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усувларини тизимли асосда жорий этиш соҳасида:*

Санитария-эпидемиология хизмати мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга режалаштириш ва тайёрлашда назорат олиб боради;

тегишли ихтисосликдаги илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотлари билан бирга Санитария-эпидемиология хизмати мутахассисларини тайёрлаш учун дарсликлар, монографиялар, ўқув тавсиялари ва қўлланмаларини ишлаб чиқади;

Санитария-эпидемиология хизмати таркибий бошқарма ва бўлимлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари лавозимларини тўлдириш учун раҳбар кадрлар захирасини шакллантиради ва тайёрлайди;

Санитария-эпидемиология хизмати санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Санитария-эпидемиология хизмати ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

11. Санитария-эпидемиология хизмати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуийдаги ҳуқуқларга эгадир:

ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида санитария-эпидемиология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига санитария-эпидемиология соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равища огохлантириш;

юридик ва жисмоний шахсларга назорат объектидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равища, аммо олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш;

юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган тиббий-санитария чора-тадбирларини амалга ошириш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдирувчи юқумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда текширишлар ўтказиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келганда, оммавий заҳарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига шартнома асосида қўшимча ходимлар жалб қилиш;

озиқ-овқат хомашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиб, сақлаш ва сотиш фаолияти устидан инспекцион назорат ўтказиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва мансабдор шахслардан Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

ўз ваколатига киравчи масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун вазирликлар ва идоралар, шунингдек, бошқа ташкилотлар вакилларини чақириш ва жалб этиш;

белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни киритиш;

ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхат ва тарифларга мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, Санитария-эпидемиология хизмати ваколатига киравчи масалалар бўйича идоралараро аҳамиятдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Санитария-эпидемиология хизмати ваколатига кирувчи масалалар юзасидан халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифода этиш;

ўз ваколати доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга ошириш;

ўз фаолиятини кенг ёритиш мақсадида расмий веб-сайтлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларда саҳифалар яратиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўtkазиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

санитария-эпидемиология соҳасини ривожлантиришга оид долзарб ва истиқболдаги муаммолар ечимини ишлаб чиқиш мақсадида, жумладан хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳларини тузиш;

санитария-эпидемиология масалалари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

ўз ваколатига кирадиган масалаларни кўриб чиқиша Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ҳайъати йиғилишларида иштирок этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тасдиқланган штат бирликлари доирасида Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли тузилмаларни ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш.

Санитария-эпидемиология хизмати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 12. Санитария-эпидемиология хизмати:

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

Санитария-эпидемиология хизмати таркибий тузилмаларининг Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича ишларининг ташкил этилиши;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, иш режалари, тадбирлар, йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

#### **4-боб. Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ташкил этиш**

##### **1-§. Санитария-эпидемиология хизматининг марказий аппарати фаолиятини ташкил этиш**

13. Санитария-эпидемиология хизматига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринbosари (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи) бошлилик қиласи.

Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ҳисобланади.

14. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи соғлиқни сақлаш вазирининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган тўрт нафар ўринbosарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринbosарга эга.

##### **2-§. Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарларининг функционал мажбуриятлари**

15. Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифаларга мувофиқ Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарлари қуидаги функционал мажбуриятларни бажаради:

а) Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этади;

яккабошлиқ асосида Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ва Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи ўринбосарларининг ва Санитария-эпидемиология хизмати бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятнинг айрим йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш бўйича ваколатларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Санитария-эпидемиология хизмати иш юритиш соҳасига дахлдор таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида санитария-эпидемиология соҳаси ва жамоат саломатлигига оид давлат сиёсатига қатъий риоя этилишини таъминлайди, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари, унинг таркибий ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ишларини амалга оширади, шунингдек, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шартшароитларни яратади ва Санитария-эпидемиология хизмати кадрлар захирасини шакллантиради;

Санитария-эпидемиология хизмати таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни ва унинг ходимлари лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ижро этиш муддатларига риоя этилишини таъминлайди;

Санитария-эпидемиология хизмати фоалияти режалаштирилишини ташкил этади, Санитария-эпидемиология хизмати йиллик иш режаларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

б) Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари:

Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифаларни бажаришда Санитария-эпидемиология хизмати тегишли бошқарма ва бўлимлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

раҳбариятнинг топшириғига биноан кичик санитария-эпидемиология соҳасида устувор вазифаларнинг ва дастурларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

Санитария-эпидемиология хизмати ўзига топширилган ва мутасаддилик қилинадиган бўлинмалари устидан бевосита раҳбарликни амалга оширади;

Санитария-эпидемиология хизмати таркибий тузилмалари бошлиқлари ва мутахассислари лавозимларига Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланиши учун белгиланган тартибда киритади;

Санитария-эпидемиология хизмати ўзи мутасаддилик қилаётган бошқармалар ва бўлимлари бошлиқлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни киритади;

в) Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи ўринбосари Санитария-эпидемиология хизматининг Махсус жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини ўзига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ташкил этади ва унинг фаолияти учун жавоб беради.

### **3-§. Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарларининг жавобгарлиги**

#### **16. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи:**

ушбу низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Санитария-эпидемиология хизмати ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепциялар бўйича кутилган натижаларга эришилиши;

Санитария-эпидемиология хизмати ижро интизомига оғишмай риоя этилиши учун жавоб беради.

**17. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғининг ўринбосарлари:**

тегишли йўналишлар бўйича топшириқлар ўз вақтида ва самарали бажарилиши;

бириктирилган йўналишлар бўйича вазифаларини ва дастурларини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоратадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб берадилар.

**4-§. Санитария-эпидемиология хизмати Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий бошқармалари, идоравий мансуб ташкилотлар, давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

18. Санитария-эпидемиология хизмати ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бевосита Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг идоравий мансуб ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

19. Санитария-эпидемиология хизмати ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

**5-§. Санитария-эпидемиология хизматининг санитария-эпидемиология кенгashi**

20. Санитария-эпидемиология соҳасидаги энг муҳим масалалари бўйича муаммоларни илмий таҳлил қилиш, тавсияларни кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш учун Санитария-эпидемиология хизматига юқори малакали ходимлар, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг вакиллари, санитария-эпидемиология соҳасидаги етакчи олим ва мутахассислардан иборат маҳсус илмий кенгаш (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этилади.

Кенгаш Санитария-эпидемиология хизмати доимий ишловчи маслаҳат органи ҳисобланади.

Кенгаш низоми ва унинг таркиби Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланади.

## **5-боб. Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари**

21. Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиб борилади.

22. Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

23. Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **6-боб. Санитария-эпидемиология хизматини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш**

24. Санитария-эпидемиология хизматини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, шу жумладан марказий аппарат ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети, Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

25. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгиланади:

санитария-эпидемиология қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар ва жарималарни тўлаш кечикирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 50 фоизи (назорат тадбирлари бошқа давлат органлари билан биргаликда амалга оширилганда, жарима ҳамда жарималарни тўлаш кечикирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 25 фоизи);

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ихтисослашган пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумларнинг уларни амалга оширишга кетган жами харажатлар қоплангандан кейин қолган суммасининг 15 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**26. Жамғарма маблағларидан куйидаги мақсадларда фойдаланилади:**

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шу жумладан уй-жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шунингдек, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг фармойиш бериш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш;

Санитария-эпидемиология хизмати тизимиға кирувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Санитария-эпидемиология хизмати олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш доирасида хорижий ва маҳаллий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш.

**27. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, кўп йил хизмат қилганлиги учун устама ҳақлардан, дам олиш ва байрам кунлари учун тўловлар, бошқа устама, қўшимча ҳақлар ва қонунда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.**

Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ходимларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда узоқ муддатли узлуксиз хизмати учун ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

3 дан 5 йилгача – 0,5;

5 дан 10 йилгача – 0,8;

10 дан 15 йилгача – 1,0;

15 дан 20 йилгача – 1,5;

20 йилдан ортиқ – 1,8.

Узоқ муддатли узлуксиз хизмати учун ойлик устама олиш хуқуқини берувчи иш стажи Санитария-эпидемиология хизмати томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

### **7-боб. Санитария-эпидемиология хизмати ҳисобдорлиги**

28. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи тизимли равишда Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

29. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий тузилмасидаги барча раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг олиб боради, Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

30. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Санитария-эпидемиология хизмати алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилади.

### **8-боб. Якунловчи қоидалар**

31. Санитария-эпидемиология хизматини қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Ушбу низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

